



Асл асарлар йиллар ўтиши билан ўзининг аввал маълум бўлмаган янги кирраларини намоён этаверади. Хусусан, уларнинг қахрамонларига турли даврда турлича муносабат билдирилади. Абдулла Кодирийнинг “Ўткан кунлар” романи, шубҳасиз, ана шундай асарлар сирасига киради. Номланишининг ўзиёқ сирли-жумбокка йўгрилган “Ўткан кунлар” неча ўн йиллардан бери ўқувчиларнинг энг севимли асарларидан бири бўлиб келади. Романни ҳар гал мутолаа қилганда китобхонни, аввало, адибнинг сўз санъаткори сифатидаги маҳорати, воқеаларни сир тутиши хайратлантиради. Айни чоғда, асарни ўқиш жараёнида, кўнгилда турли саволлар тугилади, муаллиф воқеаларнинг баъзи жиҳатларини очик қолдиргани ўйлантиради. “Ўткан кунлар”даги мана шундай нуқталардан бири, унда берилган мактублар билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу роман сюжетида мактублар катализатор вазифасини бажариб, воқеалар ривожига шиддатли тус беради. Мактублар сабаб, қахрамонлар ҳаётида қутилмаган кескин бурилишлар ҳосил бўлади. Агар асардан мактублар олиб қўйилса, унинг сюжети жуда жўн ва пароканда бўлиб қолади. Қахрамонлар мактуби роман сюжетини яхлит тутиб турадиган зарурий халқа саналади. Ана шу халқа – мактублардан бири тушириб қолдирилса, воқеалар орасида узилиш юзага келади. Абдулла Кодирий ушбу романда мактуб мотиви асосида бир-бири билан мантқан боғланган салмоқли яхлит сюжет яратишга эришади. Романда дастлаб Юсуфбек хожининг ўғли Отабекка “қаромат қабилдан сўзлаб, бирмунча насихатлар қилиб” ёзган хати келтирилади. Ушбу хат сабаб, “худонинг ҳакни ноҳак қилмаслиги соясида” Отабек ва Мирзакарим қутидор ўлимдан қолади. Кейин, “хон бўлмаса ҳам хонликдан-да юқори бир қучга молик сиёсат курсисига ўтирган” Мукулмонкулнинг Ўш ҳокими тарафидан ёзилган ҳамду санодан иборат мактубни, сўнг Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан битилган игвони ўқиши тасвирланади. Адиб Ўш ҳокими мактуби орқали хон саройидаги ҳашамат, дабдаба, сохта хушомад, лаганбардорлик авж олганини кўрсатади. Кейинги мактуб, яъни, игво шу даражада ўткир ва таъсирчан битилганки, у қим тарафидан ёзилгани ва бунинг оқибати ўқувчини беихтиёр қизиқтириб қўяди. Чунки адиб Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан қим чақув уюштирганини жумбоқлигича қолдиради. “Мактубда ўз отимни ёзишга ҳам тиламадим. Ёш хонимизга тинч ва шавқатли давр, давлат хоинларига ўлим тилаб – бир қариби бечора”, деб тухмат битган игвогарнинг қимлиги анча кейин – романнинг, “Қулиб қарамаган бахт” фаслида уста Фарфи тилидан: “Бу қизга бизнинг Хомид ҳам харидор экан. Халиги Отабек қизга уйланиб қўйғач, бизнинг Хомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган ва бўлмаган қимчиликлар билан уларни дор остига тортишга муваффақ бўлган! Аммо худонинг ҳакни ноҳак қилмаслиги соясида, бир мактуб сабаби билан, қутмаган жойда дор остида

нажотга чикканлар. Булар оклангач, Хомиднинг ўзи камаладиган бўлиб, аммо кўрбошининг ёрдами орқасида Кўконга кочиб кутилган ва у ерда ҳам тинч ётмай, Ўтаббой кушбегини порахўрликда айблаб, Мусулмон чўлокка ариза берган”, деб маълум қилинади. (Абдулла Кодирий. Ўткан кунлар. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1974 йил. 232-233 бетлар. Бундан кейинги кўчирмалар шу нашрдан олинади). Асарнинг бошқа ўринларида ҳам воқеаларнинг сир тутиб келинган жихатлари шу тарзда очиқ берилади. Жумладан, Отабекни азоблаган жумбоққа уста Фарфи томонидан: “Отабекнинг Тошкентдан ҳам уйланганини билиб, унинг тилидан бир талок хати ёздирадир-да (изоҳ – А. У.) Мирзакарим аканикига киргизадир”, деб аниқлик киритилади.

Романнинг аввалги “Иситма орасида” фаслида Хомид Жаннат опага: “Илгари гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман”, дейди. Бу уста Фарфининг “Отабекнинг... тилидан бир талок хати ёздирадир-да...”, деган гапига мувофиқ келади ва, табиийки, Хомид “ўз режасига мувофиқ” тухматномаларини кимга ёздирган, деган саволни пайдо қилади. “Иситма орасида” фаслида Хомиднинг кечинмалари: “Энди бу иккинчи сохта хатни ёздириш-да, гарчи хозир Отабекнинг кўлёмаси ўз кўлида бўлса ҳам яна кўркинчли эмас эди. Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан нусхага қараб ёздиришини кўнглидан ўтказди...” дея баён этилади. Демак, тухматномаларини Хомиднинг ўзи ёзмаган. Бу қабих ишда унга кимдир кўмаклашган. У тухматномаларини кимгадир ёздирган.

Уста Фарфининг “Отабекнинг тилидан бир талок хати ёздирадир-да...” дейиши, Хомиднинг “ёздириб бераман”, “ўмартириб бераман” деган таъқиди кишини ўйлантиради. Муаллиф Хомид ёздирган сохта мактубларни “хиёнатнома” деб атайди. Адиб асарнинг “Хиёнат” фаслини “Юқорида Отабек томонидан олинган мактубнинг хақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қахрамонлари билан таништирамиз”, деб тугаллайди ва кейинги фаслларда Содик, Жаннат опа, Муталнинг кирдикорлари билан таништириб, уларнинг чиркин қиёфасини кўрсатади. Лекин Хомиднинг гараз, тухматга тўла чиркин “хиёнатнома”ларини ким битгани хусусида ҳеч бир ўринда изоҳ бермайди.

Роман сюжетида Отабек, Хомид, Юсуфбек хожи, Ўзбек ойим, Кумуш сингарилар қаол қахрамон сифатида кўринади. Улар асардаги деярли барча воқеаларда бевосита ёки бавосита иштирок қилади. Муаллиф воқеалар марказида турган бу қахрамонларнинг қиёфаси, ўй-кечинмаси, хатти-харакати ва ўзаро муносабатини жуда таъсирчан ёритади. Романда яна шундай қахрамонлар ҳам борки, улар “сахна”да кўринмайди, лекин номи тилга олинади. Шундай қахрамонлардан бири – Умарбекдир.

Маълумки, Абдулла Кодирий қахрамонларини уларнинг портретини чизиш орқали “майдон”га олиб қиради. “Ўткан кунлар” муаллифи инсон образини яратишда адабиётда азалдан қолипга айланган бу анъанавий усулдан жуда самарали фойдаланади. Асарда персонажлардан деярли барчасининг портрети чизиб берилади. Умарбекнинг эса, воқеаларда бевосита қатнашмагани ўчунми, қандай одам эканлиги, кўриниши қанақалиги, нима иш билан шугулланиши маълум қилинмайди. Умарбек билан Хомид ўртасида қандай алоқа борлиги ҳам аниқ айтилмайди. Асарда Умарбекнинг номи икки ўринда – биринчи марта уста Фарфи, иккинчи марта Хомид томонидан тилга олинади.

Уста Фарфи уста Олимнинг уйида Отабек ҳам иштирок этган суҳбатда ҳамкасб кадрдонига: “Сиз Умарбекни Хомидга якин дўст эканлигини биларсиз, албатта... Ўша Умарбек билан ораларида яқинда бир совуқлик тушди-да, бундан ўн кунча илгари Хомиднинг бир мудхиш ваҳшати тўғрисида Умарбекдан бир сир эшитдим. Хомид Комилбекни ўлдирганда устида бўлмаган бўлса ҳам, аммо халиги эшитган сиримнинг далолатига қараб, албатта, Комилбекнинг котили Хомид деган фикрга тушдим”, дейди. (Ўша нашр. 232-бет). Хомид Содикка: “Менинг бу сиримни сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолган эдим, хайтовур тагин орани очиб юбордик”, деб айтади. (Ўша нашр. 241-бет). Умарбекнинг номи романда бошқа эслатилмайди. Аммо уста Фарфи ва Хомиднинг унинг тўғрисидаги сўзлари Умарбек “қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшлардаги” кимсанинг қабих ишларидан хабардорлигини билдиради.

Асарда Хомиднинг жиний ишида бевосита иштирок этган Содик, Жаннат опа, Муталнинг хатти-харакатлари аниқ тасвирлангани ҳолда, “Хомидга якин дўст”, “ҳамма вақт юриш-туриши бир бўлган” Умарбекнинг нима иш қилиши, у Хомид билан нима учун “нари-бери қолгани-ю хайтовур тагин орани очиб юборгани” хусусида ҳеч қандай изоҳ берилмайди. Бу образ романда сирли жумбоқ бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, уста Фарфининг сўзлари, Хомиднинг эътирофи “ҳиёнатнома”ларни Умарбек битмаганми, деган гумон, таҳминга асос беради. Албатта, асардаги ҳар бир сўз, жумладан, ундаги мактуб, аризалар ҳам муаллифга тегишли. У қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-харакатини ўқувчи тасаввур қиладиган тарзда ифода қилади, уларни ҳудди ҳаётдаги одамлар сингари гапиртиради. Китобхон ҳаёлан романнинг сир-сехр мужассам саҳифаларига берилиб, воқеалар ҳаётда ҳам ҳудди асарда нақл қилинганидек кечилишига чиндан ишонади. Асардаги ажойиб манзаралар, қутилмаган учрашувлардан эртақлар эшитмай улғайганидан унча-мунча нарсаларга ҳайратланмайдиган бўлиб қолган. XXI аср китобхони ҳам беҳад таъсирланади. Жумладан, Қумушни ҳушсиз қилиб қўйган мактуб ҳам уни бефарқ қолдирмайди. Хомиднинг Отабек, Ўтаббой қушбеги устидан уюштирган тухмат тўла мактубини ҳозир ҳам ўқувчилар ҳаяжонсиз ўқий олмайди.

Роман асосида аввал ишланган бадиий фильмда Хомид ҳиёнатномалар ёзаётгани, у Отабекнинг якин қишини сифатида тўйда иштирок этгани ва унинг елкасига тўн ёпишгани кўрсатилади. Асарда эса Хомид Отабек ва Қумушнинг тўйи хабарини етти кундан кейин Қўқондан қайтаётган чоғида эшитгани ва тиканга ағанагандай аҳволга тушиб, аламига қидолмасдан “икки хотинини арзимаган бир сабабни баҳона қилиб, яхшигина ургани”, сохта хатларни ҳам у ўзи ёзмагани, балки “ёздириши”, “ўмартириб бериши” маълум қилинади. Синчков ўқувчи ҳам қаҳрамонлар ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган таъсирчан мактубларни Хомид ўзи ёзмай, қимгадир ёздирганини ҳис этади. Чунки Зиё шохичи айтганидек: “Хомид қўланса гаплар учун яратилган одам”. Уста Фарфи ҳам унинг тўғрисида ҳудди шу гапни айтади. Хомиднинг гап-сўзлари ҳам ҳудди шуни тасдиқлайди. “Қўланса гаплар учун яратилган” Хомид сингари қимсалар эса, Мусулмонқулдай қаҳри қаттиқ амалдорни “нихоятда тутактирадиган”, Мирзақарим қутидор қаби қўпни қўрган қишини қазаб отиша миндирадиган “ўлчовлик сўзлардан иборат” мактубни ҳар қанча уринганида ҳам ёза олмайди. Тўғрироғи, Хомид тоифасидагилар ҳеч бир замонда қўлига қалам олиб, қогоз қорайтирмайди. Бундай заҳматга уларнинг бўйни ёр бермайди. Хомидга ўхшаганлар ҳамиша ёзув-қизув ишларини бировларга бажартиради. Ҳар қанча ҳаракат қилганида ҳам Хомид “қўзларим зулм ёши билан жик, қўнғлим давлат ҳоинлари қўрқинчидан титраган бир ҳолда қалам

тебратаман” тарзида мактуб битолмайди. Хомидлар ўтган замонларда ҳам, hozir ҳам, бундан кейин ҳам хат битиш кўлидан келадиганларни алдаб-авраб устамонлик билан ўз йўригига солади ва ўз талабига мувофик таъсирчан жумлаларни ёздиради.

Агар романда Хомиднинг тухматномаларини битган киши ҳам худди Содик, Жаннат опа, Мутал сингари харакатлантирилганида эди, унинг сюжети янада тармокланиб, воқеалар тамоман бошқача тус оларди. Чунки хар бир қахрамоннинг воқеалар жараёнига кўшилиши сюжетда янги йўналишларни хосил қилади. “Ўткан кунлар” муаллифи воқеалар драматизмини кучайтириш ва ўқувчиларнинг кизиқишини ошириш мақсадида, асарнинг кўп ўринларида воқеаларнинг энг мухим жихатларини сир саклайди. Чунки барча персонажларни воқеалар жараёнига жалб этиш ортикча батафсилликни келтириб чиқаради.

“Ўткан кунлар” романи “сахна”сида тўксонга яқин, аниқроғи саксон олти персонаж кўринади. Уларнинг айримлари асосий қахрамон сифатида майдон марказида харакат қилса, баъзилари бир-икки кўришиб, четга чиқади. Шундай персонажлар ҳам борки, уларнинг шунчаки номи қайд этилади. Масалан, асарда Умарбекнинг номи икки ўринда тилга олинса, Кумушнинг амакиси Муҳаммадрахим Йўлдош ўғли ҳамда тоғаси Аҳмадбекнинг номи бор-йўғи бир ўринда эслатилади. Яъни, романнинг “Кутилмаган бахт” фаслида: “Домланинг: “Сиз ким Кумушбиби Мирзакарим кизи, ўзингизни тошкентлик мусулмон Отабек Юсуфбек хожи ўғлига бағишламок ваколанини амакингиз Муҳаммадрахим Йўлдош ўғлига топширдингизми?” деган сўроғи олти-етти кайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар кистогини остида аранг унинг розилиғини олинди”, деб ўтилади. (Ўша нашр. 58-бет). Аҳмадбек эса, “Офтобойим қариндошларидан “жонқуяр” деб танилган”, деб таърифланади. Шундай бўлса-да, Кумушнинг амакиси ҳам, тоғаси ҳам Мирзакарим қутидор хонадонидаги бирор-бир тадбир, йигинда кўринмайди. Шунингдек, Ойша буви Офтобойимнинг онаси, Мирзакарим қутидорнинг – қайнонаси, Кумушнинг буви сифатида улар билан бир хонадонда яшагани холда, оиладаги бирор воқеага муносабат билдирмайди, ҳеч кимнинг гапига аралашмайди. Тўғрироғи, муаллиф уни воқеалар жараёнига унчалик жалб этмайди.

Албатта, муаллиф персонажларни ўз ижодий мақсадига мувофик харакатлантиради. У айрим қахрамонларни воқеалар марказига кўйгани холда, айримларини “майдон”да бир-икки кўрсатиш билан чекланади. “Ўткан кунлар”да Отабек, Кумуш, Хомид, Ўзбек ойим, Хасанали, Мирзакарим қутидор, Зайнаб асосий қахрамон сифатида харакат қилса, Мирзакарим қутидор хонадони чўриси Тўйбека, Хасаналининг хотини Ойбодок икки-уч ўринда “сахна”га чиқади. Воқеалар маромида уларнинг ўрни унчалик сезилмайди. Романда Умарбек Ойбодок, Тўйбекадан пастрок даражадаги персонаж ҳисобланади. Яъни, Ойбодок, Тўйбека муайян харакатда кўрсатилгани холда, Умарбек воқеаларда умуман иштирок этмайди. Аммо “Умарбек Хомиднинг яқин дўсти”лиғи таъкидланиб, улар орасига совуқлик тушгани, Хомиднинг қабих ишлари Умарбекка маълум экани, у “Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолиб, хайтовур тагин орани очиб юборгани” эътиборга олинса, “Ўткан кунлар”да сюжетнинг энг мухим йўналишларидан бири ривожлантирилмасдан қолгани ва у бевосита Умарбек образи билан боғлиқлиғи аёнлашади. Агар асарда Умарбек образи Хасанали, лоқал Содик образи даражасида тасвирланганида эди, муаллиф таърифича “Хомиднинг ёмонлик қорхонаси”нинг жирканч манзараси очикрок кўринарди. Чунки хомидларнинг ҳамтовоклари билан муносабати ҳамиша зиддиятли кечади. Негаки, “ёмонлик қорхонаси”даги қимсаларни ўзаро ҳурмат, инсоний меҳр-оқибат ришталари эмас, балки

манфаат илинжи боглаб туради. Бу тийиксиз иллат домига тушганлар истаган пайтда бир-бирининг кўзига чўп сукади. Худбин, манфаатпараст кимсалар якин кишилари, ўз хамтовокларига нисбатан ҳам турли кабиҳликларни кила олади. Содик Хомидга: “Агар Отабек Тошкентга кетмаган бўлса, ул холда ўзингиз айтгандек килиб, тўппа-тўгри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўглингни Мирзакарим аканинг илгари тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг холига маймунлар йигласин!” дейди. (Ўша нашр. 242-бет). Абдулла Кодирий салбий образларга муносабатини пардалаб ўтирмайди. У бундай персонажлар портретини нафрат, газаб билан чизади. Жумладан, Содикни: “Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сарик танли, уккининг кўзидек чакчайиб, ўйнаб ва ёниб турган кизил кўзли, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурунли, манглайи канча ташкарига ўсиб чиккан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, кискаси вақтсизрок яратилиб колган бир махлук”, деб таърифлайди. (Ўша нашр. 177-бет). Содик Хомидга: “Бу кунгача иккитасини жойлаштирдим, учинчисига ўтса, нима килади?” дея одам ўлдирганини айтиб мактанади. (Ўша нашр. 184-бет). Содик пул учун Хомидга ўхшаганлар буюрган хар қандай ишга қўл уради. Бундай “вақтсизрок яратилиб колган бир махлук”ни жиноий ишларига шерик килиб олган Хомид ҳам табиийки, агар манфаатига салгина зид келса, ўз хамтовокларини аямайди. Хомид якин дўсти Умарбекни ҳам алдамаганида, уларнинг ўртасига совукчилик тушмасди. Умарбек ҳам Хомиднинг кабиҳликлари тўгрисида уста Фарфига гапирмасди.

“Ўткан кунлар”да Хомид, Содик, Мутал образлари нукул кора бўёқларда кўрсатилиши кўпчиликда эътироз тугдиради. Чунки ёмон одамлар муайян фазилатлардан, яхши кишилар маълум бир кусурлардан холи эмаслигини ҳамма билади. Лекин Хомид сингари кабиҳлар, Содик, Мутал сингари зўравонликни касб этганлар ҳамма замонда истаганча топиладик, хаётнинг бу хақиқатини ҳам инкор этиб бўлмайди. Умуман, адабиётдаги “ижобий кахрамон”, “салбий кахрамон” муаммоси жуда мураккаб ходиса. Жахон адабиётида инсон образи азалдан “ижобий кахрамон”, “салбий кахрамон”га ажратиб кўрсатиб келиниши ҳам шундан далолат беради. Абдулла Кодирий барча персонажларга ўз муносабатини очик билдиради ва улар худди шундай эканлигини бевосита кўрсатади. Жумладан, Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожига эхтиром билан карагани холда, Хомид, Содик, Мутал, Жаннат опа, Мусулмонкул кабиларнинг суратини ҳам, сийратини ҳам кора бўёқда чизади. Маълумки, яхшилар хаётда яхшилик килишга интилиб, доимо бошқаларга наф келтиради. Ёмонлар эса сўзи, хатти-харакати билан кўпчиликни ранжитиб, ташвиш келтиради. Кизиги шундаки, улар ўзларининг зараркунандалиги, жиноий ишлари тўгрисида ўйлаб, изтиробга тушмайди. Хомиднинг кабиҳликлари буни тасдиқлайди. У бегунох кишиларга бемалол тухмат килади ва бундан виждони заррача кийналмайди. Аксинча, уста Фарфи айтганидек, у доимо, “Фурсат келиши билан яна бир ёмонлик килмокка, кутидорнинг кизини ўзиники этишга ўйлаб юради”. Хомид Кумуш билан бирор марта гаплашмаган. Мирзакарим кутидор ҳам ўн етти ёшли ёлғиз кизини икки хотини бор, ўттиз беш ёшли бир кимсага беришни истамайди. Хомид эса, шундай монеликларга карамай, истагидан кайтмайди ва худбинона ниятига зўравонлик билан эришишга ҳаракат килади. Кишининг ички дунёси унинг хатти-харакатида билинади. Хотинларига муносабати, давраларда айтадиган гап-сўзлари, бегунох кишиларга тухматлар уюштириши, Комилбекни ўлдиртириши, Содикни Отабекни ўлдиришга йўллаши, уста Олимнинг кайниси Сайфига зўравонлик килиши, Кумушни ўгирлашга урингани Хомиднинг ички дунёси ҳам киёфаси сингари

хунук, жирканчлигини намоён этади. Шунинг учун якинлари Хомидни “кўланса гаплар учун яратилган”, дейишади.

Ўқувчи Отабек, Кумушни кийноқларга солган, хонадонидегиларга кўп ташвиш келтирган тухматномаларни ташкил этган Хомиддан нафратланади. Шу боис Хомид тухматномаларини кимга айтиб ёздирганига кўпчилик эътибор бермайди. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий маънавий” асарига шундай байтни келтиради:

Чун каламким, тушса гаддор дастига,
Шубхасиз, Мансур борур дор остига.

Энг кахри каттик, золим хукмдор ҳам асос бўлмаса, бировни жазолаёлмайди. Одамни, у ким бўлишидан катъи назар, камаш, катл килиш ҳеч бир замонда жўн, осон иш эмас. Бунинг учун кимдир шикоят килиши, унинг даъволари текшириб аниқланиши керак. Жабрдийданинг арз-доди асосли топилсагина, жиноятчи белгиланган коидалар асосида жазога тортилади. Лекин ҳаётнинг гаройиб сир-синоати шундаки, баъзан бегуноҳ кишилар ҳам тухмат туфайли кўп азият чекади. Халқнинг “Тухмат тошни ёради” мақолида ҳаётдаги шундай ходисалар назарда тутилади. Гаддорлар шундай тухматларни тўкишадики, баъзан тажрибали, адолатли кози, судьялар ҳам хакикатни аниқлаёлмасдан нотўғри ҳукм, хулоса чиқаради.

Хомиднинг тухматномаларини ҳам бир гаддор ёзиб берган. У кабир ишнинг фаол иштирокчисидир. Тухматномаларни битган ҳам худди Содик, Жаннат опа, Мутал сингари Хомиднинг ҳамтовоги, шеригидир. У Хомиднинг жиноий ишига Содик, Жаннат опа, Муталдан кўра кўпроқ хисса кўшган. Лекин муаллиф негадир бу гаддорни панада қолдирган. Зукко, лаёқатли кишилар ҳам баъзан нафси йўригига тушиб, ўзи истамаган ҳолда, хомидларнинг “ёмонлик қорхонаси” хизматини қилади. Лекин тухматчилар ҳаддидан ошиб, котилликка кўл урганида, уларнинг виждони галаёнга келади. Негаки, ўқимишли, маърифатдан баҳраманд кишилар “худо ҳакни ноҳақ қилмаслиги”ни ҳамиша хис этади. Умарбек ҳам бегуноҳ Комилбекнинг фожиали ўлиmidан виждонан азобланган ва Хомид билан “нари-бери бўлиб” қолгач, унинг “вахшат”лари ҳақида уста Фарфига гапириб берган.

“Гаддор” – арабча сўз бўлиб, соткин, хоин, золим, хиёнаткор, маккор, фирибгар маъноларини билдиради. Харакат, аъмолида шу иллат мавжуд қимсалар ҳар қандай тубанликка боради. Хомидлар доим гаддорларга таяниб иш тутаяди. Отабек, Кумуш, Мирзакарим қутидор сингари кишилар ишонувчанлиги боис Хомид сингари худбинлар ва уларнинг тегириғонига сув қуядиганлардан панд ейди. Отабек, Мирзакарим қутидор бошларига шунча тухмат ёгилса-да, Хомиднинг номини тилга олмайди. Юсуфбек хожи, Хасанали ҳам якинлари “кўланса гаплар учун яратилган одам”, дея таърифлаган қимсадан шубҳаланмайди. Улар диёнатли, иймон-эътиқоди мустаҳкам кишиларга ҳос йўл тутишади. Диёнатли кишилар аниқ асос бўлмагунча ҳеч қимни айбдор этишмайди. Иймони суғат кишилар эса сабрсизликлари туфайли бошқалар тўғрисида дарҳол турли шубҳа, гумонга берилишади.

Хомиднинг тухматномалари уларни зуқко киши битганидан далолат беради. Айнан

Ўшанинг хизмати туфайли Хомид бегунох кишиларни кўп изтиробга солади. Чунки ёзишмаларга хамиша аник асос, далил, хужжат деб каралади. Хомид Мирзакарим Кутидор уйига кетма-кет совчи жўнатишларидан натижа чикмагач, “хатни хат килгувчи котиб”ни ишга солади. Ўша котиб Хомиднинг максадига мувофиклаб, мактуб, ариза битиб беради. Барча можаролар ўша мактуб, аризалар туфайли содир бўлади. Хомид худди яхши иш бажармокчидек мамнунлик билан: “Илгариги гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиклаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман”, дейди. (Ўша нашр. 183-бет). Хомид андишасиз бўлгани учун Отабек, Хасаналининг олдида жияни Рахматга: “Сенингдек йигитлар учун, албатта, битта хотин ҳам ортикчалик килади!” деб айтади. Хаётдаги барча муаммо, зиддиятлар мол-давлати, мансаб-амалига магрурланиб, бошқаларни назар-писанд килмайдиган Хомид сингари андишасиз такаббурлар туфайли келиб чикади.

Донишмандлар кадрдон кишиларнинг дўстона суҳбатини дунёдаги энг ширин нарса дейишади. Хомид “кўланса гаплари” билан шундай кишилар суҳбатини ҳам бузади. Табиийки, шундай кимсага хамтовок тутиниб, унинг тухматномаларини битган ҳам яхши одам саналмайди. Ўша гаддор ёзган мактуб, аризаларни ўқиётганда, киши баданига беҳосдан совук бир нарса теккандай сесканиб кетади. Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожининг мактублари эса самимий дил изхори бўлгани боис, калбни тўлқинлантириб, хаммага ажиб хислар багишлайди. Кумушнинг мактубидаги калб изтироблари ҳеч кимни бефарк колдирмайди. Умуман, Абдулла Кодирий кахрамонларининг мактубларида уларнинг рухий олами, характер хусусиятларини ёркин очиб беради.

Отабекнинг мактубларида унинг вазмин, босиклиги, обдон ўйлаб мулоҳаза юритиши сезилади. У хар бир нарсани ўзи аниклаб, билиб олишга интиладиган одамлар сирасига киради. Отабек душанба кечасидаги конли олишув чогида Хомиддан: “Менга жавоб беринг-чи: бу ёмонликларингизда сиз ҳақлими эдингиз? деб сўрайди. (Ўша нашр. 253-бет). Хомид эса: “Ҳақли эдим!” деб жавоб беради. У жарохатланиб, ўлар холатда ётган пайтида ҳам шу гапини айтади. Асарда бу: “Хомид холсизланиб ётар экан, уни беш кадам наридан кузатиб, тек турувчи Отабек захарханда ичида “Ҳақлими эдингиз?” деб сўради. Кучаниб “Ҳақли эдим!” деди Хомид ва кўлидаги ханжарини Отабекка отди, ханжар Отабекнинг ёнига келиб тушди”, деб тасвирланади. Хомиднинг Кумуш билан кўришмаган, гаплашмаган, унинг ота-онаси билан ҳеч қандай алоқа-муносабати бўлмаган холда, бундай даъво килиши ҳам турли саволларни тугдиради. Шуниси аникки, Хомид кабилар хамиша манфаатини ўйлаб, узокни мўлжаллаб иш тутди. Улар кўпинча, ўз максadini бошқаларга сездирмайди. Хомидлар хамма замонларда кумушларни кўлига киритиб, давлатманд оталарнинг мол-мулкини ўзлаштириш пайида бўлишади. “Кора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувок сокол”нинг турли найранглари замирида ҳам унинг ана шу худбинона нияти туради. Албатта, асарда бирор ўринда, Хомиднинг шундай нияти борлигига ишора килинмайди. Лекин Хомиднинг жон-жаҳди билан уринишлари унинг максadi гаразли эканлигини билдиради.

Умуман, турли табиатли одамлар орасидаги муносабатлар юксак маҳорат билан тасвирланган “Ўткан кунлар”ни қайта мутолаа килиш хар бир киши учун хамиша марокли кечади ва ўзбек адабиётининг бу биринчи романи санъатнинг асл асари сифатида, шубҳасиз, турли кизикарли мулоҳазалар уйғотади.

Абдулла Улугов